

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА РАҚОБАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

Самарканд давлат тиббиёт университети режса-молия бўлум бошлиги

Faniyev Utikir Fulomiddinovich

Аннотация: Ушбу тезисда электрон тижоратни рақобатни ривожлантиришдаги ўрни, шунингдек, унинг таҳлили ёритилган.

Abstract: This article discusses the role of e-commerce in the development of competition, as well as its analysis.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль электронной коммерции в развитии конкуренции, а также ее анализ.

Калим сўзлар: электрон тижорат, электрон хукумат, Рақамли Ўзбекистон, блокчейн, рақобат.

Keywords: e-commerce, e-government, Digital Uzbekistan, blockchain, competition.

Ключевые слова: электронная коммерция, электронное правительство, Digital Uzbekistan, блокчейн, конкуренция.

Жаҳонда ахборот технологияларининг ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар мазмуни ва бизнес юритиш механизmlарини жиддий ўзгартирди. Халқаро ҳисоботларга кўра, 2021 йил бошида электрон тижорат дунёдаги чакана савдо умумий ҳажмининг 17,5 фоизини ташкил қилган бўлса, электрон тижорат(ЭТ) айланмаси 4 триллион АҚШ долларига етди¹. Бундан ташқари, пандемия ҳолати электрон бозорнинг йилига 32%гача кенгайишига олиб келди². Электрон савдо улушкининг ўсиши муносабати билан унинг монополияга қарши курашни такомиллаштириш зарурияти янада ортди. Бу жараёнларда

¹ <https://activate.com/outlook/2020>

² <https://s.wsj.net/public/resources/documents/Activate%20Outlook%202021%20presentation.pdf>

самарали иқтисодий ечимлар тадбиркорлик субектлари ва истеъмолчилярнинг товарларни электрон шаклда харид қилиш амалиётида мослашувчанликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Дунёда пандемия даврида электрон тижоратнинг ривожланиши, ушбу институтнинг бир қатор сегментлари учун янги савдо каналларини молиявий қўллаб-қувватлаш, электрон тўловларни амалга оширишни иқтисодий таъминлаш хусусиятлари, смарт контрактлар, криpto-валюталар, NFT, иқтисодий фаолиятда сунъий интеллектнинг иштироки каби электрон тижоратнинг янги институтлари иқтисодий режимини яратиш масалалари кенг ўрганилмоқда. Хусусан, электрон иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг асосий «рақамли» хукуқларини назарий ва қонуний жиҳатдан таъминлаш, электрон савдо майдончаларининг турли кўринишлари фаолиятини тартибга солиш, виртуал активлар айланиши, интеллектуал мулк обьектларини ҳимоя қилиш, электрон молия бозорларида пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг замонавий талабларини жорий этиш, шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва ҳимоясини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда қонунчилик ва иқтисодий назария АҚТ, халқаро электрон айланманинг жадал суръатларда ривожланишидан орта қолмоқда. молиявий тузилмаларнинг мураккаблиги ва янгилиги иқтисодни қўллаш амалиётида ягона ёндашув йўқлигига олиб келди, бу эса бир қатор иқтисодий бўшлиқлар ва коллизияларни келтириб чиқарди. Электрон тижорат жараёнида шартномалар тузиш янги, номланмаган шартномалардан фойдаланишини талаб қиласди. Ушбу муносабатларнинг қўшимча мураккаблиги уларнинг «хорижий элемент» иштироки билан боғлиқлиги ҳисобланиб, кўпинча тижорат битимлари иштирокчилари турли юрисдикцияларга тегишли бўлади. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йил ичida энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси

мақсадларидан бири сифатида (25-мақсад) белгиланишига хизмат килди. Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги (2015), «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги (2004), «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги (2020) Фармони ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик хужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласи. Шунингдек. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»(14.05.2018)ги, «Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»(28.04.2020) ги, «Шартномавий муносабатларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»(14.09.2021)ги, «Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида»(17.11.2021)ги фармонлари ва қарорлари, шунингдек «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегияси(ПФ-6079-05.10.2020) каби муҳим хужжатларнинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга. Экспертларнинг фикрича, 2020 йилдан бошлаб йирик банкларнинг қарийб 30 фоизидан ортиғи ўзларининг иш фаолиятида блокчейн технологиясидан фойдаланиши бошлаб юборишиди. Бунга блокчейн технологиясининг нисбатан эндиғина яратилганига қарамасдан, унинг мавжуд бизнес жараёнлардаги инқилобий ўзгаришларни қамраб олгани молия бозорлари иштирокчилари орасида улкан қизиқиши уйғотганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматнинг ривожланиш ҳолатини самарали рейтинг баҳолаш тизими ҳамда уни амалга оширишнинг идоралараро механизмининг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари ва

худудларни рақамли трансформацияси ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишга тўсқинлик қилмоқда. Бугунги қунда Ўзбекистонда умуман Интернетда иқтисодий муносабатларни тартибга соловчи қонунчилик, шунингдек ЭТдаги рақобат мухитини тартибга солиш бўйича ҳам маҳсус қонунчилик тармоғи мавжуд эмас.

Ушбу соҳадаги турли нуқтаи назарларни таҳлил қилиш ўрганилаётган муносабатларни тартибга солиш бўйича диаметрал ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Бунда норматив хужжатлар даражасида Интернет тармоғидаги барча муносабатларни тўлиқ тартибга солишдан бошлаб барча иштирокчиларнинг ҳаракатларининг тўлиқ эркинлигигача («қонундан ташқари мухит») назарда тутилмоқда. Интернет-иктисодий муносабатларни иқтисодий тартибга солишининг тубдан янги тамойилларини ишлаб чиқишига зарурат йўқлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Уларни ривожланаётган институтларни мослаштириш ва мавжуд фуқаролик-молиявий парадигмага «локализация қилиш» мухимдир. ЭТ электрон ахборот алмашинуви орқали фуқаролик-молиявий битимлар ва ташкилий битимларни мунтазам равища тузиладиган товарларни сотиш бўйича тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган ижтимоий муносабатлар соҳаси бўлиб хизмат қиласи. Мазкур ёндашув амалдаги қонунчиликда акс эттирилиши керак, хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасига қўйидаги таҳрирда баён этиш зарур: «электрон тижорат деганда, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда масофадан тузиладиган ҳамда нотариал ва давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар тузиш ва ижро этишга йўналтирилган фаолият, шу жумладан касбий фаолият тушунилади». Шартномаларни тузиш ва ижро этишнинг маҳсус шакли сифатида ЭТни тан олган ҳолда, ушбу ҳаракатлар АТ орқали амалга оширилади, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ бу муносабатларнинг турига (сотиб олиш ва сотиш, етказиб бериш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) қараб, тегишли қоидалар билан тартибга солинадиган битимларнинг иқтисодий табиати ўзгармайди. Мунтазам равища тузиладиган бундай битимлар ЭТда асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари,

электрон тижорат айланмасини ташкил қилиш ва асосий битимларнинг бажарилишини таъминлайдиган қуидаги ташкилий битимлар талаб этилади: ахборот-коммуникация тармоғига кириш хизматларини кўрсатиш; товар бозорининг турли шаклларини ташкил этиш; ЭТ маблағларини шакллантириш бўйича хизматлар кўрсатиш (масалан, ЭРИ дан фойдаланиш); электрон ҳисобкитобларни амалга ошириш; дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш; турли хил алоқа шаклларини қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПК-6079-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3832-сонли қарори.

Фойдаланилган интернет сайtlари:

1. www.lex.uz
2. www.stat.uz
3. www.antimongov.uz